



## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗАЛАНИШ ЮРИСПРУДЕНЦИЯДАГИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

*Норбоев А.О.*

*Тошкент давлат педагогика университети в/д.  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** фавқулодда вазиятлар, махсус идоралар, ҳуқуқий асослар, давлат тизими, аҳоли ва ҳудудлар, муҳофаза, халқаро шартномалар, ҳамкорлик, ваколат ва б.

**Ключевые слова:** чрезвычайные ситуации, специальные органы, правовые основы, государственное устройство, население и территории, защита, международные соглашения, сотрудничество, власть и др.

**Key words:** emergency situations, special agencies, legal bases, state system, population and territories, protection, international agreements, cooperation, authority, etc.

### **Резюме:**

Мазкур мақолада жаҳонда юз бераётган турли тусдаги фавқулодда вазиятларнинг оқибатлари, шунингдек уларнинг олдини олиш мақсадида ташкилий тузилмалар билан бирга бу борада алоҳида ҳуқуқий нормаларнинг шаклланиши, жумладан бу борада мамлакатимиздаги ҳуқуқий асослар ҳақида сўз боради.

### **Резюме:**

В данной статье говорится о последствиях различных чрезвычайных ситуаций, происходящих в мире, а также о формировании специальных правовых норм по этому поводу, в том числе о правовых основах в нашей стране в этом отношении, а также организационных структурах в целях их предотвращения.

### **Summary:**

This article talks about the consequences of various emergency situations occurring in the world, as well as the formation of special legal norms in this regard, including the legal bases in our country in this regard, along with organizational structures in order to prevent them.

XX аср инсоният тарихидаги кўплаб воқеа ҳодисалар билан боғлиқ бўлсада дунё миқёсида турли тусдаги фавқулодда вазиятларнинг юз бериши ва талофатларнинг ортиб бориши билан ҳам характерланади. Шу боис, бу давр фавқулодда вазиятлар борасидаги ҳуқуқий-меъёрий соҳанинг шаклланиши билан ҳам тавсифланади. Бошқачароқ айтганда, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларга тайёргарлик кўриш ва улар юз

берганда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ўзаро ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларни яратишни талаб этди.

Ўтган асрда юз берган турли тусдаги фавқулодда вазиятлар инсоният бошига оғир оқибатлар олиб келди. Ҳатто, улар оқибатида келтирилган талафотлар ушбу асрнинг энг дахшатли воқеалари бўлган - 2 та жаҳон уруши келтирган йўқотишлардан ҳам кўпроқ.

Шу сабабдан XX асрнинг охирида жаҳондаги 128 дан ортик давлатларда фавқулодда вазиятлар буйича махсус давлат идоралари ва тизимлари шакллантирилди. Шунингдек, 1989-йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990-2000- йилларни “ Табиий офатларнинг олдини олиш Халқаро ўн йиллиги” деб эълон қилиниши каби кўплаб тарихий воқеликлар бу борадаги ҳуқуқий соҳани ривожланишига сабаб бўлди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон ҳам бу каби хавфлардан ҳамда улар келтираётган йўқотишлардан ҳоли эмаслиги сабабли халқаро ҳамжамиятнинг субъекти сифатида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этишдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий асосларни яратишда муҳим қадамлар ташлади.

1992-йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида “Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланишини бузмаслиги шарт”, лиги, 55-моддасида эса “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” деб белгилаб қўйилади. Шунингдек, мамлакатимизда 2023 йилда қабул қилинган янгиланган Конституциямизнинг бир қатор моддаларида бу масала янада такомиллаштирилган. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 48, 49, 62, 66, 68 – моддаларида бу борада белгилаб ўтилган.

Конституцияда кўрсатилган ушбу моддалар ижросини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ҳамда аҳолининг фаровон турмуш кечириши, шунингдек, келажак авлод учун барқарор ҳаётни таъминлашда тоза экологик муҳит қолдиришга асос бўла олади, дейиш мумкин. Чунки, табиатдаги мавжуд ҳаётий омиллар ҳисобланган сув, ер, ер ости бойликлари, ҳаво ҳамда атроф-муҳитни келажак авлод учун ҳам асраш инсониятдан жуда катта масъулиятни талаб этмоқда. Айни шу масъулият ҳисси Республикада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда улар билан боғлиқ бевосита юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг



олдини олиш мақсадида ўзига хос вазирлик, қўмита ҳамда тузилмаларни шакллантиришга олиб келди.

Шунингдек, соҳага оид мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда Фавқулодда вазиятлар давлат тизимидаги кирувчи вазирлик, қўмита, корпорация ва бошқа идораларнинг фавқулодда вазиятлар бўйича вазифалари ҳам белгилаб берилган. Яъни, аҳоли ва ҳудудларни турли тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишида мамлакатдаги ҳар бир идора ҳамда уларга бўйсунувчи қуйи тузилмаларнинг тинчлик ва фавқулодда вазиятлар пайтидаги вазифалари ҳамда ваколатларининг ҳуқуқий асоси яратилди.

Мамлакатимизда фавқулодда вазиятлар борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий-меъёрий асослар дастлаб, Президент Фармонлари, Фармойиш ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари кўринишида қабул қилинди. Вақт ўтиши билан бу соҳага оид ҳуқуқий асослар қонун тусига эга бўла бошлагани кўринади. Яъни, бу биринчидан турли тусдаги фавқулодда вазиятлар кўламини ортиб бораётганлиги натижасида бўлса, иккинчидан, соҳага оид қонунчиликни ривожлантирмасдан бу борадаги жараёнларни тартибга солиб бўлмас эди. Шу сабабдан мамлакатимизда 1991-2010-йиллар мобайнида биргина экология соҳасига оид 27 дан ортиқ қонун ҳамда 100 дан зиёд қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, фавқулодда вазиятларнинг бошқа кўринишларини олдини олиш ҳамда улар юз берганда хавфсиз ўтказиб юборишга оид бир қатор қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши мамлакатда хавфсиз турмуш тарзини таъминлашда ўзига хос янги ҳуқуқий соҳани шаклланишига олиб келди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда трансчегарали хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларнинг кўпайгани ва уларнинг катта йўқотишларга олиб келаётгани ушбу йўналиш бўйича ташкил этилган идораларнинг ҳуқуқий ваколатларини ҳам оширишга сабаб бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ўз ваколати доирасида халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш, фавқулодда вазиятларда ўзаро хабардор қилиш ва ёрдам кўрсатиш борасида ташқи иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек: “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан БМТни ихтисослашган халқаро ташкилотлари ва бошқа ихтисослашган ташкилотларнинг марказий органларида ва минтақавий бўлинмаларида ишлаш учун, ушбу ташкилотлар билан келишилган шартларда белгиланган тартибда вакиллар...” юбориши ҳам белгилаб қўйилди.

Айниқса, аҳолини фавқулодда вазиятларни тайёрлаш ишларини бажариш ва тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 7-октябридаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида” ги 427-сонли Қарорида кўрсатилган бўлса мамлакатмизнинг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ҳамда «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунларда акс этади.

Маълумки, ҳар қандай табиат ҳодисасини фавқулодда вазият, деб бўлмайди. Шу сабабдан юз бераётган табиий ҳодисалар ва бошқа ҳалокатларни тўғри талқин қилиш ҳамда уларни халқаро нормаларга мослаштириш бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998-йил 27-октябрда қабул қилинган “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида” ги 455-сонли Қарорида фавқулодда вазиятларга тасниф берилиши билан бирга, уларни юз беришига сабаб бўлувчи омилларни кўрсатиш билан ҳам муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ҳар бир тусдаги фавқулодда вазиятлар гуруҳларга ҳамда кўринишларга ажратилган ҳолда таснифланган.

Шу билан бирга, қарорда фавқулодда вазиятларнинг келтирган иқтисодий зарари ҳамда одамлар ҳаёт фаолиятига етказган таъсирдан келиб чиққан ҳолда, уларнинг кўлами ҳам белгиланди. Бу кўлам 4 та тоифага: локал, маҳаллий, Республика ҳамда трансчегарали фавқулодда вазиятларга ажратилди .

Мустақиллик қўлга киритган йилларнинг дастлабки ўн йиллиги даврида мамлакатимизнинг фавқулодда вазиятлар бўйича хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ҳаётини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигини яна бир ҳуқуқий ҳужжатда кўришимиз мумкин. Бу 1997-йил 23-декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида” ги Қарорининг қабул қилинишидир. Бошқача айтганда, ушбу қарор мамлакатда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) ни шакллантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Мамлакатда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тўпланган тажриба, шунингдек, бу борада мавжуд кўплаб масалаларни ҳал этиш ушбу соҳага хос бўлган қонунчиликни ривожлан-



тириш лозимлигини кўрсатди. Бунга, фавкулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ҳамда уларни бартараф этиш хусусидаги билимларнинг етишмаслиги, шунингдек, улар юз берганда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш даражасининг пастлиги, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг бу борадаги билимларини саёзлиги, масалага лоқайдлик билан қараётганлиги, масъулиятни ҳис этмасликлари каби б қатор омиллар сабаб бўлган.

Соҳага оид бир қатор қонунларни: “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1997 й.), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”-ги ҳамда “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигини) олдини олиш тўғрисида”ги, шу йили яна “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги (1999 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида” ги , “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ҳамда “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги (2000 й.) қабул қилиниши фавкулодда вазиятлар бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қила бошлади.

Бошқача айтганда, 1997-2000-йиллар мобайнида фавкулодда вазиятлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг 10 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. 2000-йилдан сўнг қабул қилинган шу соҳага оид кўплаб қонунлар фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича турларга ажратилган ҳолда, янада ихтисослашганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2006-йилдаги “Хавфли ишлаб чиқариш обектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”, 2009-йилда “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” каби қатор қонунлар бу борада олиб борилаётган амалий ишларни янада такомиллаштириш ва ундаги ижтимоий муносабатларда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиш билан бирга тармоқлардаги хавфларнинг олдини олишга йўналтирилган дейиш мумкин.

Дунё тажрибасида, ҳар қандай офат ёки ҳалокат таъсирига тушиб қолган кишига биринчи ёрдам унинг яқинлари, атрофидаги кишилар, шунингдек, иш ва яшаш жойидаги одамлар томонидан кўрсатиши ўз исботини топган. Кейин эса малакали профессионал ёрдам кўрсатилиши мумкин. Шу боис, бу масалада республикамизда қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг ўрни катта. Унда вазирлик ва

идоралар ўз тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларни “фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга шай бўлиб туришини таъминлаш”, “ҳаракатлар режасини, Низомлар қоидаларини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этиш”, “...ходимларини ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш усулларига ва ҳаракат қилишга ўргатишлари”, ахборот тизимларини ҳамиша шай ҳолда сақлаш ва ахборот бериш, моддий ва молиявий ресурслар резервини яратиш, фавқулодда вазиятларда иш режаларига мувофиқ тасарруфидаги объектларда авария-қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этишлари, молиялаш ва уларни ўтказилишини таъминлашлари ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдаги бурч ва ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги учун сув қанчалик муҳим ҳаётий омил эканлиги маълум. Бошқа томондан, сув билан боғлиқ ҳалокатлар кўплаб вайроналарга ҳамда йўқотишларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабдан сувдан оқилона ва одилона фойдаланиш билан бирга хавфсиз фойдаланиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу мақсадларда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида, яъни 2020-йилгача гидротехник иншоотлар ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича 15 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Иккинчи томондан, мамлакатимизда сувни бошқариш, яъни сувдан оқилона фойдаланиш, у билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш ёки улар юзага келганда аҳоли ва ҳудудларни имкон қадар зарар кўришини камайтириш мақсадида Республикада 13 та вазирлик, идора ва қўмиталар давлат бошқарувини амалга ошириб келмоқда. Бошқарувдаги бу муносабатларни тартибга солиш ҳам соҳага оид ҳуқуқий нормаларни ривожлантириш учун сабаб бўлади.

Кейинги йилларда соҳага оид қабул қилинган бир қатор қонун ва қонун ости ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, шунингдек бу борада амалга оширилмай келинаётган ишларни бажарилишини таъминлашда ўзига хос асос бўлиб хизмат қила бошлади. Жумладан, аҳоли ва ҳудудларни турли тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаш борасидаги чора-тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида ФВДТ фаолияти қайта кўриб чиқилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017-йилнинг 1-июнидаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш



тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари янада такомиллаштирилди .

Фармонда ФВДТ да ўтган йиллар мобайнида йиғилиб қолган бир қатор муаммолар кўтарилди ва уларни ҳал этиш йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, бу муаммолар фавқулодда вазиятлар хавфи пайдо бўлганда аҳолининг барча қатламларини ўз вақтида хабардор қилиш, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларини, фавқулодда вазиятларда прогнозлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, республика ҳудудларини сейсмик хавфлар, техноген авария ва ҳалокатлар манбалари бўйича раёнлаштириш; вазирликнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш каби кўплаб масалаларни ҳал этилиши ахборот коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш билан боғлиқ бўлгани боис ҳам уларга алоҳида эътибор қаратилган. Фармонда кўрсатилган бу муаммоларни ҳал этиш учун зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва уларни зудлик билан амалга ошириш белгиланган.

Шу мақсадда ЎзР ВМ ҳузуридаги Гидрометеорология хизмат маркази таркибий тузилмалари билан биргаликда; ЎзР ВМ ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси; ЎзРФА Ғ.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинг республика тармоғи бевосита Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфига ўтказилди .

Шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат миқёсида ва ҳудудлар бўйича комиссиялар тасдиқланди. Уларнинг ҳам вазифалари белгилаб берилди.

Шу йилнинг 2-июнида Президент Ш.Мирзиёев томонидан фавқулодда вазиятлар бўйича яна бир муҳим ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда вазирлик фаолиятини такомиллаштириш мақсадида унинг тузилмаларига ҳам ўзгаришлар киритилди. Қўшимча 3 та вазир ўринбосари лавозими ташкил этилди . Шунингдек, қидирув-кутқарув ишларида қўлланиладиган техник жиҳозлар, махсус асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда фавқулодда вазиятлар бўйича муайян билим ва малакага эга бўлган, ихтисослашган кадрларга эҳтиёж ортиб борди. Шу сабабли соҳага оид юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида

Фавқулодда вазиятлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда Фуқаро муҳофазаси институтида 2017-2018-ўқув йилидан бошлаб “Фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича магистратура бўлими очилди. Икки вазирлик 4 та касб-хунар коллежларида ўрта-махсус, касбий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, 5 та ОТМда эса “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” бўйича бакалавр даражасига эга олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш вазифалари қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатда техноген авария ва ҳалокатларнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича “Техник жиҳатдан тартибга солиш тизими” ҳам фаолият олиб боради. Бу тизим таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссия, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш ва Қурилиш вазирликлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси кирган.

Хулоса қилиб айтганда, нафақат мамлакатимизда, балки дунё мамлакатларида ҳам айнан фавқулодда вазиятлар бўйича ўзига хос тизим, тизилма ёки идоралар шакллантирилиши билан бирга уларнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилдики, у аҳолининг фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, улар юз берганда йўқотишлар миқдорини камайтириш, бу борада мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликларни ривожлантиришга қаратилган. Шу боисдан ҳам ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқуқ соҳасида янги бир йўналиш шаклланди ва такомиллашиб бормоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, –Тошкент: Ўзбекистон, 2017, – Б. 12.
2. ЎЗР ФВВ. ФМИ. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меърий ҳужжатлар тўплами), III-жилд, –Тошкент: ФМИ, 2018.
3. ЎЗР ФВВ ФМИ, Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. I-жилд, –Тошкент: ФМИ, 2006
4. UzWater Aware. Регионального экологического центра ЦА в рамках ЕС. Программы “Устойчивое управление водными ресурсами”. Пут воды. –Тошкент: 2020.
5. Убайдуллаев Ш., Норбоев А.ва б.Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик,–Тошкент: Пм-Ziyo,2009
6. Алихонов Б. Экологик қонунчилик истикболи //Ҳуқуқ ва бурч, 2010, №3, – Б. 8.
7. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / [http:// lex.uz/docs /](http://lex.uz/docs/) 6161244